



ОЗОД ЭЛНИНГ ОБОД УЙЛАРИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида инсон манфаатларини таъминлаш, юрtdошларимизга муносиб турмуш шароитларини, янги қулайликларни яратиш борасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Айниқса, қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш ва янгилаш, уй-жой, зарур ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо этиш борасида қилинган улкан ишлар эътиборга лойиқ.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.



Мазкур ҳужжатга биноан 2009 йилда қишлоқ жойларидаги 42 та массивда намунавий лойиҳалар асосида қурилиши бошланган 847 та уй фойдаланишга топширилди. Жорий йилда 225 массивда барпо этилаётган 6800 та ана шундай уй-жойда сўнгги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда ва яқин кунларда ҳонадон эгалари уларга кўчиб ўтишадди.

Президентимизнинг 2010 йил 8 сентябрда қабул қилинган қишлоқ жойларида уй-жойларни лойиҳалаштиришни такомиллаштириш ва

қурилишни яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирларга оид қарори асосида 2011 йилда мамлакатимиз ҳудудларидаги 372 та массивда «тайёр ҳолда топшириш» шарти асосида «Қишлоқ қурилиш банк» очик акциядорлик тижорат банкининг имтиёзли кредитлари ҳисобидан 7400 та яқна тартибдаги уй-жой барпо этилади. Шунингдек, ушбу массивларда ташки муҳандислик ва транспорт-коммуникация тармоқлари, ижтимоий инфратузилма объектлари қурилади.

Бунда қишлоқ жойларида қури-

лиш олиб бориш учун узок истиқболга мўлжалланган, лойиҳалаштириш, саннат-қурилиш, муҳандислик-техник жиҳатдан кучли база яратилгани, уни молиялаш манбалари ва маблағ ажратиш механизми белгилангани муҳим аҳамият касб этапти.

Келгуси йилда барпо этилиши режалаштирилган намунавий лойиҳадаги уй-жойлар «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» қидирув институти томонидан ишланган 3, 4 ва 5 хонали уй-жойлар лойиҳаси асосида амалга оширилади. Мазкур намунавий лойиҳалар асосида барпо


этиладиган уй-жойлар «Қишлоқ қурилиш банк»нинг имтиёзли кредит маблағлари ва яқна тартибда уй-жой қурувчиларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Фуқаролар таклиф этилаётган 3 лойиҳадан ўзларига маъқулини танлайдилар. Шундан сўнг «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси билан «тайёр ҳолда топшириш» шарти асосида тузилган шартномага мувофиқ қурилиш ишлари комплекслас ташкил этилади.

(Давоми иккинчи бетда)

Burch va majburiyat

Ҳавонинг совий бошлагани аҳолининг табиий газ, иссиқлик ва электр энергиясига бўлган эҳтиёжини янада оширади. Бундай шароитда уларнинг узлуксиз ишлашни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Аммо бу борадаги ҳам бориб тақалади. Зеро, айни йўналишда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар аҳолидан йиғилдиган маблағ эвазига ўз фаолиятларини ташкиллаштиради.

Коммунал хизматлар уларга ҳақ тўлашни унутмадингизми?



— Халқимиз турмуш даражасини юксалтириш, маиший шароитини янада яхшилаш борасида юртимизда изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. — дейди **Ўзбекистон Республикаси Олий суди** фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси **Ҳолмўмин ЁДГОРОВ**. — Буни коммунал соҳада хизмат кўрсатиш тизими тобора такомиллашганда ҳам кўриш мумкин. Фуқароларнинг яхши шарт-шароитларда яшashi, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиши борасидаги барча ҳақ-ҳуқуқлари миллий қонунчилик асосида

қафолатланган. Бу ўз навбатида бу борада фуқароларнинг алоҳида бурчлари борлигини ҳам англатади. Зеро, Бош қомусимизга мувофиқ, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.

Гал коммунал хизматлар ҳақида борар экан, қонунчиликка мувофиқ, истеъмолчилар истеъмол қилинган коммунал хизматлар учун ўз вақтида тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ko'magi

Тадбиркорлар манфаатининг ҳуқуқий ҳимояси

тегишли идораларнинг доимий эътиборида

Мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича мустақкам ҳуқуқий асос яратилган бўлиб, бу борадаги мавжуд қонун ҳужжатларининг амалиётга изчил татбиқ этилишини таъминлаш ва уларнинг мазмун-моҳиятини нафақат тадбиркорларга, балки кенг жамоатчиликка тушунтириш долзарб аҳамият касб этади.

Миллий иқтисодиётимиз таъини бўлган бу соҳа вакиллари ҳуқуқини ҳимоя қилиш айни пайтда уларга яратилган имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланишга йўл очади. Шу боис Тошкент шаҳри адлия бошқармаси томонидан

тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашиш, хусусий мулк эгалари ва хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувнинг олдини

олиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида давлат рўйхатидан ўтказилган тадбиркорлик субъектлари 62 796 тани ташкил этиб, бозор иқтисодиёти шароитида уларнинг эркин фаолият юритишига ҳуқуқий қўмак кўрсатилмоқда. Жорий йилда бошқармага тадбиркорлик субъектларидан 139 та ариза ва шикоят келиб тушган. Мазкур шикоятларнинг 95 таси кўриб чиқилиб, қонуний ечимини топган, 9 таси тегишли идораларга юборилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Юртимизда олиб борилаётган туб ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар натижасида ер муносабатлари борасида ҳам қатор ижобий ўзгаришларга эришилди. Жумладан, ер участкаларига эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда ерни мулк сифатида беришининг шакли ва тартиби ўзгарди.

Низоли ер майдони

у судда қонуний ечимини топди

Бугунги кунда ерга оид муносабатларни тартибга солишда меъёрий ҳужжатлар, хусусан, Фуқаролик, Ер, Уй-жой кодекслари, шунингдек, «**Фермер хўжалиги тўғрисида**»ги қонун ҳамда Олий суд Пленумининг «**Ер қидексини тадбиқ қилишда суд амалиётида вуҷудда келадиган айрим масалалар тўғрисида**»ги қарори ва бошқа қонун-ости ҳужжатлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Чунончи, фикримизни ер майдонига оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан баъзи низолар мисолида давом этирайдиган бўлсақ, Пастдарғом тумани прокуратураси томонидан туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг хати ҳамда «**Ер тўғри-**

сида»ги қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан текшириш ўтказилганда, «**Ҳончарбор**» маҳалласида яшовчи А.Жумаев ҳужжатсиз тарзда «**Умакай Саховати**» фермер хўжалигининг сугорилдиган ер майдонидан 0,71 гектарини ўзбошимчилик билан эгаллаб олганлиги аниқланган. Устига-устак эр-хотин А.Жумаев ва М.Эгамбердиева ушбу ерга тўрт хонали уй-жой ва молхона ҳам қуриб олишган.

Туман ҳокимлиги мутахассисларининг бир неча мартаба таънутиришлари ҳам наф бермаган. Шундан сўнг туман прокуратури давлат манфаатларини кўзлаб судга даъво аризаси киритган.

(Давоми иккинчи бетда)

Yangi qonun mohiyati

Табиятда рўй берадиган фавқулодда ҳодисалар энг катта хавфлардан бири ҳисобланади. Шу боис ҳам табиий ҳамда техноген хусусиятга фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва улардан аҳолини ҳимоя қилиш дунё ҳамжамияти олдида турган долзарб вазифалардан бири саналади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг табиий фалокатлардан сақланиш бўйича халқаро стратегиясида таъкидланганидек, жуда катта миқдордаги одамларнинг ҳалок бўлишига олиб келган ер силкинишлари ўтган ўн йилликнинг асосий ҳалокати бўлиб қолмоқда.

Фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш

бу борадаги қонунчилик асослари янада такомиллаштирилди

Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, табиий фалокатлардан сақланиш бўйича халқаро стратегияда кўрсатилишича, 2000 йилнинг бошидан 2009 йилгача турли табиий ва техноген ҳодисаларда ҳалок бўлганлар сони йилга 78 000 нафарни ташкил этади. Ҳолбуки, ўтган асрнинг 90-йилларида бу кўрсаткич 43 000, 80-йилларда эса ўртача ҳисобда 75 000 нафарни ташкил этган. Шу йилнинг бошидан эса бундай ҳалокатлар қурбонлари сони 200 000 дан ошиб кетди. Бу кўрсаткич ўтган йилларга қараганда бир неча баробар юқори ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, ҳалок бўлаётганларнинг катта қисми биргина табиий офатга

тўғри келмоқда. Масалан, Индонезиянинг Суматра оролида содир бўлган ер қимирлаш вақтида ҳалок бўлган одамлар ўша йили табиий офатларда ҳалок бўлган жами 10 416 кишининг ярмидан кўпини қисмини ташкил этади. Шунингдек, аҳолиси 9 миллион кишига яқин бўлган Гаитидаги зилзилада 220 000 нафар киши қурбон бўлди. Ҳинд океанининг Ҳиндистон ва Индонезия қирғоқларида содир бўлган цунами келтирган фалокат ҳам булардан қолшмайди. Мазкур цунами 8 – 14 миллиард АҚШ долларлик иқтисодий зарар етказди.

(Давоми учинчи бетда)

Munosabat

Суғурта хизматлари

меҳнат муҳофазасини таъминлашда муҳим ўрин тутуди

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, меҳнат муносабатларини тартибга солиш ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишда суғурта хизматлари ҳам муҳим ўрин тутуди. Шу маънода суғурта бозорини тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш долзарб вазифалардан биридир.

Мамлакатимизда суғурта хизматлари бозорига рақобатни янада шакллантириш, суғурта фаолиятининг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш, суғурталовчиларнинг капиталлашув даражасини кўпайтириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг ҳудудий тармоқларини кенгайтириш, шунингдек, суғурталашни тартибга солиш усулларини такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Президентимизнинг 2007 йил 10 апрелдаги «**Суғурта хизматлари бозорини янада ислох қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Мазкур қарор билан тасдиқланган «**2007 – 2010 йилларда**

Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислох қилиш ва ривожлантириш дастури»да суғурталаш, суғурта фаолияти ва суғурта назоратининг қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш, шунингдек, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинган «**Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида**»ги қонун (2009 йил, 17 апрель) билан иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича ҳуқуқий асослар яратилди.

Айтиш керакки, ушбу

қонун ишлаб чиқаришда ҳодимнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашда иш берувчининг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш масаласини ҳал этиш имконини беради. Чунки қонунчиликда ходим меҳнат вазифасини бажариш чоғида майиб бўлса, касб касаллиғига чалинса ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етса, корхоналарнинг унга товон, яъни компенсация тўлаши белгиланган бўлса-да, амалиётда иш берувчининг пул компенсациясини тўлашдан ўзини четга олиш ҳоллари ҳам учраб туради. Чунки иш берувчининг компенсацияни бирданга тўлашга баъзи ҳолатларда имкони бўлмаслиги мумкин. Шу боис «**Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида**»ги қонунда белгиланган ҳар ойлик суғурта бадаллари корхоналар учун ходимга бериладиган бир йўла тўловларга нисбатан оғирлик қилмайди.


(Давоми учинчи бетда)

Anjuman

Одил судловни амалга оширишда миллий ва хорижий тажриба

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олинган юксак марраларга эришиш учун иқтисодий ва ижтимоий соҳани ислох этиш жараёнлари ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилаётгани ўз самараларини бермоқда.

Кейинги йилларда суд-ҳуқуқ тизими чуқур ислох қилиниб, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўйича кенг миқёсда ишлар амалга оширилди. Жумладан, адвокатура институти ислох этилди. Суд қарорларини ижро этиш тизи-



ми, прокуратура фаолияти такомиллаштирилди, бутун суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалиётга татбиқ этилди.

(Давоми учинчи бетда)

Burch va majburiyat

Коммунал хизматлар

уларга ҳақ тўлашни унутмадингизми?

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Амалдаги Уй-жой кодекси... Коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиб бориши кўрсатилган...

газдан ноқонуний равишда фойдаланиши йўлга қўйган экан. Хисоблагични олиб ташлаган ҳолда табиий газдан фойдаланаётган фуқароннинг бу қилмиши текшириш пайтида аён бўлган.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, фуқаролик процессуал қонунчилигига киритилган буйруқ тартибда иш юритиш институти фуқаролик судларида коммунал тўловлар билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этишда алоҳида аҳамият касб этаётди.

Коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиб бориши кўрсатилган... Коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиб бориши кўрсатилган...

Айниқса, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари тез-тез учраб туради. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётган Галина Куриш...

Хулоса қилиб айтганда, коммунал соҳадаги ислохотлар самарадорлиги, хусусан, тураржойлардаги, айниқса, кўп қаватли уйлардаги умумий фойдаланиш жиҳозларининг бенуқсон ишлаши, аτροφ-муҳит мусоффолиги, озодаликни таъминлаш тегишли давлат ва коммунал хизмат кўрсатиш идоралари билан бирга уларда истиқомат қилувчи одамларнинг ўзига ҳам боғлиқ.

Норгул АБДУРАИМОВА

Islohot va samara

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш кераки, «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан имтиёзли ипотека кредитлари шартнома асосида ҳамда мақсадли, таъминланиш, қайтариш, тўлаш ва муддатлилик шартлари билан белги...

Ипотека кредитлари олти ойдан иборат имтиёзли давр билан 15 йилгача муддатга, амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваридан ошмайдиган миқдорда йилига 7 фоиз устам тўлаш шarti билан ажратилади.

Озод элнинг обод уйлари



«Қишлоқ қурилиш банк»нинг «Қишлоқ қурилиш инвест» иштирокчилик шартлари билан ижтисодиёт компанияси яққа тартибда уй-жой қуришга буюртмачи функцияси амалга оширилши учун буюртма берилди ва дастлабки шартнома тузилди.

рилиши юзасидан қарор қабул қилинганда сўнг яққа тартибдаги уй-жой қурувчи билан асосий шартнома имзоланади.

Қурилиш якунланганидан сўнг ва яққа тартибда иморат қурувчи томонидан далолатнома буйича тураржой биноси қабул қилинган, яққа тартибда иморат қурувчига ер участкасини ажратиш туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан қимосиди савдоси ўтказилмасдан умрбод мерос қилиб қолдириладиган мулк тарзида расмийлаштирилади.

Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш учун аҳолига яратилган бундай имтиёз ва қулайликлар халқимизнинг турмуш шароитини яхшилашга, қишлоқларимизнинг замонавий қиёфа касб этишига хизмат қилади.

Муаттархон РҶЗИБОЕВА

Qonun ko'magi


(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бевосита мисолларга мурожаат қилганимиз бўлса, шаҳримизда фаолият кўрсатган «Фаридабон» хусусий корхонаси раҳбари Ф.Абдурахмоновнинг амалий ёрдам кўрсатилишини сўраб ёзган аризаси ўрганилганида, унда келтирилган маълумотлар асоси эканлиги ўз тасдиғини топди.

Тадбиркорлар манфаатининг ҳуқуқий ҳимояси

тегишли идораларнинг доимий эътиборида

лиш ҳолатлари юзасидан айбдор шахсларнинг қонунларга мувофиқ жавобгарликка тортилиши таъминланганда, хусусан, бошқарма ходимлари томонидан ўтказилган ўрганишларда «Халқ банк»нинг Тошкент шаҳар филиалининг кредитлаш ва иқтисодий таҳлил бўлими бошлиғи вазифини бажарувчи яққа тартибдаги тадбиркор С.Бозоровдан кредит ажратишда ортиқча ҳужжатлар талаб қилганлиги маълум бўлди.



ана шундай мақсадлар қўзланган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бошқарманинг ҳуқуқий тарғибот йўналишидаги фаолиятида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир мавзуларда - давра сўбатлари, семинарлар, илмий-амалий конференциялар ташкил этилди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлимига 94 та ариза ва шикоят келиб тушган. Ушбу мурожаатларнинг 77 таси қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқилиб, 31 таси қаноатлантирилган.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлимига 94 та ариза ва шикоят келиб тушган. Ушбу мурожаатларнинг 77 таси қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқилиб, 31 таси қаноатлантирилган.

Булларнинг барчаси тадбиркорлик субъектларини эркин фаолият юритишида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳуқуқларини яхши билган тадбиркор фаолиятига ҳеч қанча халал қилмайди. Тадбиркорлик ривожини эса, иқтисодий таъминлайди.

Нурмонжон МУХАММАДИЕВ, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Fuqarolik qonunchiligi

Низоли ер майдони у судда қонуний ечимини топди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Унда жавобгарлар А.Жумаев ва М.Эгамбердиевани ўзбошимчалик билан эгаллаб олган ер майдонидан чиқариш, қурган иморатларини буздириш сўралган.

ри ҳамда қондаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, ишонч ёки ўзга қўлмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланиб, бунинг натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг давроси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланади.

Дарвоқе, заминимизда ҳар қачон ер ҳисоб-номи. Бинобарин, ундан унумли фойдаланишимиз, ерни тасаруф этишда қонун доирасида четта чиқмаслигимиз мақсадга мувофиқдир.

Судда кўриб чиқилган даъво аризаси қаноатлантирилди. Фермер ҳўжалиги ер майдонида ўзбошимчалик билан қурилган уй-жой ва молхонани жавобгарлар ҳисобидан буздириш, уларни ер участкасидан чиқариш суднинг ҳал қилув қарорига қайд этилди.

Дарвоқе, заминимизда ҳар қачон ер ҳисоб-номи. Бинобарин, ундан унумли фойдаланишимиз, ерни тасаруф этишда қонун доирасида четта чиқмаслигимиз мақсадга мувофиқдир. Зотан, умумийлиги бойлиқ бўлган ер давлат томонидан муҳофазат қилинади.

Жасуридан АБДУСАТТОРОВ, фуқаролик ишлари бўйича Пастдарғом туманлараро судининг раиси

Huquqiy ma'rifat

Етказилган зарар

қонунчилигимизда уни ундириш тартиби аниқ белгиланган

тойка, гаров, қафиллик, кафолат, закат каби усуллари киритиш мумкин. Шулар орасида неустойка кенг тарқалган бўлиб, у асосан, шартномавий муносабатлар бўйича мажбуриятлар бузилиши оқибатида етказилган зарарни қоплашда қўлланилади.

Қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қардор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланади.

Фуқаролар ва юридик шахслар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари мавжуд бўлиб, улар ўртасида турли ҳаракатлар, чунонҳа, мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш каби амалга оширилган, томонларда муайян мажбурият келиб чиқади.

Биргаликда зарар етказган шахслар жабрланувчининг олдида солидан жавобгар бўлади. Етказилган зарар учун жавобгар шахс зиммасига зарарни аслича қоплаш ёки етказилган зарарни тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин.

Қонунчиликда етказилган зарарни қаматириш ҳоллари ҳам назарда тутилган бўлиб, бунда жабрланувчи ўзининг қўпол эътибодсизлиги тўғрисида зарарнинг юзага келишига ёки ортшига қўмақлашган бўлса, унда жабрланувчининг зарар етказувчининг айби даражасига қараб, тоов миқдори қаматирилади.

Мажбурият — фуқаролик ҳуқуқий муносабатдир. Масалан, бир шахс қарз олиши ва ўз мажбуриятини бажариши шарт. Кредитор эса қарздордан мажбуриятларини бажариши талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Фуқаро томонидан етказилган зарарни қоплаш миқдорини, унинг мулкый ҳолатини ҳисобга олиб, суд томонидан ҳам зарарни қоплаш миқдори қаматирилиши мумкин. Аммо қасддан қилинган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) тўғрисида етказилган зарар миқдори қаматирилишига йўл қўйилмайди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш кераки, фуқаролик қонунчилигида зарарнинг қопланиши ҳақидаги қондалар мустақамлаб қўйилганлиги шахснинг бузилган ҳуқуқларини қонун йўли билан тиклашда, айни вақтда фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ўзаро мажбуриятлар шартларида қатъий риоя этишларида муҳим аҳамиятга эга.

Ф. ЖАЛОЛОВА, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси

Мутахассис — муайян соҳа бўйича махсус билим олган, тажрибага эга киши, деган маънони англатади.

Жамиятда етук мутахассисларнинг ўрни беқис бўлиб, ҳеч бир соҳа ривожини фидойи, ўз касбига садоқатли, дунёқараши кенг, малакасини муттасил равишда ошириб борадиган мутахассис кадрларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Аслида ҳам диплом таълим даргоҳининг расмий ҳужжати сифатида кишининг нафақат соҳага оид билимларини ўзлаштириганидан, балки етук кадр бўлиб шаклланиганидан далолат беради.

Qilmish-qidirmish

Фирибгарнинг

қизиқтирмайди. Холбуки, тажриба, малака, билим ҳар бир соҳада сув ва ҳаводан зарур. Бинобарин, ушбу сифатлардан маърузим кишининг таълим тизимидек ноэтиқ соҳада фаолият юритгани эса янада ачинарлидир.

2010-yil — Barkamol avlod yili

Хар бир фарзанд меҳр ва эътиборда

Мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, уларни ҳеч қандай кам бўлмаган, мустақил фикрли, ҳар томонлама баркамол шахс этиб вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари, давлат дастурлари ўнги-қизларимизни ҳар жиҳатдан ҳимоялаш, уларга таълим ва тарбия бериш, ҳаётга ижтимоий мослашуви ва жамиятда ўз ўрнини топишига яқиндан қўмаклашишда муҳим омил бўлмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 августда қабул қилинган «**Етим болалар ва ота-она қарамоғидан бўлган болаларни турар-жойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги қарори бунинг ёрқин далилидир. Мазкур ҳужжат етим, ота-она меҳридан бебахра болаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни турар-жой билан таъминлаш тартибини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

— Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил август ойида қабул қилинган қарори бу борадаги ишларни янада ўқори даражада ташкил этиш имконини бермоқда, — дейди **Тошкент шаҳар ҳокимлиги хузуридаги Воғга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби Мадам Раҳимов**. — Унда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларини томонидан мақсадли коммунал уй-жой фондидидаги уйлاردан ёки вақтинча фойдаланилмаётган, давлат мулки бўлган ётоқхоналардаги, уй-жойлардаги ҳамда кўп қаватли уйларида бўш турган квартиралардан тураржой берилиши белгилан қўйилган.

Айни пайтда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва бошқа ташкилотлар томонидан фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уй-

болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, улар тоифасига кирадиган 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган шахслар тегишли тартибда тураржой олиш ҳуқуқига эга. Тураржойлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларини томонидан белгиланадиган уй-жой майдони-

тираларни улардаги маиший шароитларнинг ёш оилаларга яшаш учун мос келиши нуктаи назардан инвентаризациядан ўтказиш юзасидан ишчи гуруҳи тузилди. Бугунги кунда ушбу гуруҳ томонидан етим ва ота-она меҳридан бебахра болалар учун тураржойларнинг тўлиқ ҳисобга олинишини ҳамда мавжуд маълумотларнинг мунтазам янгилан берилишини таъминлаш мақсадида тураржойларнинг электрон маълумотлар банки шакллантирилди.

Тошкент шаҳрида бугунги кунга қадар 269 нафар етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар доимий уй-жой билан таъминланди. Берилаётган тураржойлар қулай ва шинама бўлиши, белгиланган санитария талабларига, техник меъёрларга жавоб беришига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимиздаги олтита Меҳрибонлик уйида 627 нафар бола тарбияланмоқда. Уларнинг ота-онаси, яқинлари ва қариндошлари, манзили, мулк ҳуқуқи атрофида ўрганилмоқда. Қарор мувофиқ, етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш учун Меҳрибонлик уйларида юборишда туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан унинг яшаш жойи бўйича тураржойини болада сақлаб туриш қароридан берилади. Бириктирилган тураржойга эга бўлган етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар Меҳрибонлик уйида бўлган тўлиқ даври ёки Қуролли Кучлар сафида хизматни ўташ даврида тураржойга бўлган ҳуқуқини сақлаб қолади.

— Муассасамизга келган ҳар бир боланинг ота-онаси, яқинлари, уй-жойга муҳтожлиги ҳақидаги маълумотлар пухта ўрганилади, таҳлил этилади, — дейди **Юнусобод туманидаги 21-Меҳ-**



жойлар ва кўп қаватли уйларида бўш турган хонадонлар неғизда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун оилавий ётоқхоналар ва квартиралар ташкил этиш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига фойдаланиш учун берилишини ёки улар балансига ўтказилишини белгиланган тартибда таъминлашга эътибор қаратилмоқда.

Мазкур қарор билан тасдиқланган Низомга кўра, ўзларига бириктирилган тураржойга эга бўлмаган ва тураржойга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган етим

нинг ижтимоий нормаси доирасида, Уй-жой кодексига мувофиқ, ижара шартномаси асосида берилади.


Тошкент шаҳрининг туманлари ва таълим муассасалари кесимида тураржойга эга бўлмаган тегишли ёшдаги етим болалар ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар аниқлиниб, уларнинг рўйхати такомиллаштирилди. Мақсадли коммунал уй-жой фондидидаги уйлاردан ёки вақтинча фойдаланилмаётган, давлат мулки бўлган ётоқхоналардаги, уй-жойлардаги ва кўп қаватли уйларида бўш турган квар-

рибонлик уйи директорининг ўринбосари **Гулнора Холова**. — Негаки, бу ердаги тарбияланувчиларнинг аксарияти мураккаб ҳаётий вазиятга тушиб қолганлардир. Тураржой масаласи болаларнинг келгусида ўқиши, касб-хунар эгаллаши, меҳнат қилиши, оила қуришидек ҳаётий муҳим масалалар билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳужжатларни ўрганишда архив идоралари, нотариал ташкилотлар, ФХД бўлимлари, ҳокимликлар, маҳаллалар, ер ресурслари ва давлат кадастри бўйича бўлимлар ва бошқа тегишли муассасаларга мурожаат қилинмоқда. Ҳужжатларни атрофила ўрганиш жараёни болага бириктирилган уй-жой ҳақида ёки унинг тураржойига муҳтожлиги ҳақидаги ҳоли маълумотни янада оидинлаштириш имконини беради.

Болаларга таълим-тарбия бериш бораборида уларни ижтимоий-педагогик қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-ҳуқуқий кўмак, касбий мослашув, Меҳрибонлик уйидан кейинги даври, ҳуқуқбузарлик профилактикаси каби йўналишлар бўйича ҳам пухта иш олиб борилади. Айни пайтда тарбияланувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, уларда ўз ҳуқуқларини ҳимоялаш кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкентдаги 22-Меҳрибонлик уйи бош тарбиячиси **Нина Верещагинани** айтишича, мазкур муассасада тарбияланаётган тураржойга муҳтож болаларнинг ҳақ-ҳуқуқларига оид барча масалаларни ҳал этишга катта аҳамият қаратилмоқда. Бунда воғга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасидаги ҳамкорлик ижобий самара бермоқда. Ҳозирга қадар ушбу масканининг ўн олти нафар собиқ тарбияланувчиси тураржой билан таъминланди. Эътиборлиси, бундай эзгу ишлар юртимиздаги барча Меҳрибонлик уйларида амалга оширилмоқда. Бу эса юртимизда ҳар бир фарзанд меҳр ва эътиборда эканининг ёрқин ифодасидир.

Назokat УСМОнова



Шахмат ҳангомалари

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

XXX

Бир тақводор шахмат муҳлиси руҳонийдан «Шанба кунлари шахмат ўйнаш гуноҳ эмасми?» — деб сўрабди. Саволга жавоб беришдан олдин руҳоний у билан бир неча партия шахмат ўйнаши тақлиф қилибди.

— Бўтам, агар ўйинингиз шунақа бўладиган бўлса, — дея жавоб берибди руҳоний ўйиндан сўнг, — фақат шанба кунлари эмас, қолган кунларда ўйнаш ҳам сиз учун катта гуноҳдир.

XXX

Ўтган асрнинг бошларида Лондондаги машҳур «Гамбит» қаҳвахонасида қутулмаган кўнгилсизлик содир бўлади. Уйин пайтида шахматчилардан бири тўсатдан дундан кўз юмади. Бундан муҳлислар гуссага ботади. Шунда қаҳвахонанинг доимий мижозларидан бири марҳум ўйнаган шахмат тахта-сини кўздан кечириб, ўзича ҳаммага далда берган бўлади: — Ҳаяжонланманлар, жаноблар! Барибир позицияси ютқизик экан!

XXX

20 - аср бошларида Манхэттен шахмат клубига ҳаммага ютқазиб юрадиган Малькольм Малли деган ишқибоз келиб турарди. Кучли ўйинчилар унинг устидан кулишиб, навбатдаги турда атай ютқазиб беришади. Янги чемпион ҳазилини тушунмай, бундан ҳаволаниб кетади. Ҳазилчилар бу фаройиб тажрибани яна икки марта такрорлашга, Малли шахмат тожи учун курашаётгани эълон қилади. У бир вақтнинг ўзида Алёхин, Капабланка ва Ласкерни жангга чорлаб хабар юборади. Аммо уларнинг биронтасидан жавоб ололмади. Муносиб рақиб «топилмагани» учун «енгилмас» Малли бутунлай шахматни тарк этади. Шундан сўнг у клубда бошқа кўримади.

XXX

Шахмат тарихи бўйича салмоқли китоб ёзган инглиз адаби Гарольд Мэррей Нью-Жерси полициячисидан миннатдорчилик мактуби олади. Унда шундай ёзилган: «Жиноятчи билан бўлган тўқнашувда менга отилган ўқ чўнтагимда турган сизнинг китобингизга тегиб, охириги бобга етай деганда тўхтаб қолган».

Агар шахмат тарихи бу қадар бой ва мазмундор бўлмаганда америкалик полициячи тирик қолмасди.

XXX

1972 йили Нью-Йорк судида турли кутубхоналардан 850 дона шахмат доир китобни ўғирлаган Жозеф Фельдман деган кимса суд қилинади.

— Агар шахмат тожини қўлга киритмоқчи бўлганингизда сизга бироз мурувват қилишим мумкин эди, — дейди судья. — Аммо ўғирларнинг фикрича, Фишернинг (ўша даврдаги жаҳон чемпиони) сиздан хавфсирашига ҳолат йўқ экан. Шундай қилиб, китоб ўғирси ҳақли равишда қамоққа ҳукм қилинади.

XXX

Тунда банка ўғриликка тушган жиноятчи сейф ёнида газетани юзига ёпганча ухлаб қолади. Маълум бўлишича, у газетани бошлаган шахмат масаласини ечишга уриниб уйкуга кетганини сезмаган экан.

— Эҳ, афсус, мен ўзимга нобпроқ хобби танлаган эканман, — дейди у қўлга тушган.

— Йўқ, хоббингиз жуда эър, — дея эътироз билдиради уни қўлга туширган полициячи. — Фақат сиз касбни нотўри танлагансиз!

XXX

— Сиз ўзи нима учун ўйнайсиз? — деб сўрайди шахмат клуби директори ҳаммаша ютқазиб юрадиган бир шахмат ишқибозидан.

— Яхши бир ўйин кўрсатсаму номим бирон жойда қайд этилса, деб орзу қиламан.

— Ундай бўлса, ўзингизга таширф қоғози ясапти олақолинг — тамом-вассалом!

XXX

Икки шахмат ишқибози донда суриш учун столга ўтираётганда улардан бири шундай дейди: — Мана ҳозир ким яхши ўйнаши маълум бўлади. Шу маҳал судья келиб, соатни юргизаркан, масалани бошқача изоҳлайди: — Мана ҳозир кўраимиз — ким ёмон ўйнар экан!

Шодмон ОТАБЕК тайёрлади.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

«ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган демократик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнининг босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил қилган «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзусидаги ижодий танлови давом этаётганлигини маълум қилади.

Танлов шартлари

Танловга 2010 йилнинг 1 январидан 2010 йилнинг 1 декабрга қадар республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларида чоп этилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашири аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида маълумотлар (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) илова қилинади.

Ҳабилаб Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилиги (Омбудсман), ҳуқуқшунос олимлар, малакали мутахассис экспертлар ва ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган журналистлардан таркиб топган жюри ҳайъати томонидан аниқланади.

Танлов ғолибларига мукофотлар Ҳолиблар диплом ва қимматли совғалар билан тақдирланади.

Материаллар «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзусидаги ижодий танловга» деган кайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида 2010 йил 5 декабрга қадар қўйилган манзилга жўнатилади:

Тошкент шаҳри, 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 5-хона.

Телефон/факс: 244-15-96, 244-12-51.

www.mmf.uz, e-mail: mtf@uzrak.uz, mtf.uz@mail.ru

ТАШКИЛИЙ ҚўМИТА

Maslahat

Жамоа шартномаси қандай тузилади?

Мехнат кодексининг 40-моддасига мувофиқ, жамоа шартномаси, башарти уни умумий йиғилишда (кўн-ференцияда) иштирок этаётганларнинг эълиқ фойзидан кўпроги ёқлаб овоз берган бўлса, маъқулланган ҳисобланади. Агар жамоа шартномасининг лойиҳаси маъқуллан-

маса, тарафларнинг вакиллари уни умумий йиғилишда билдирилган тақлиф-истакларни эътиборга олган ҳолда

такомиллаштирадиган ҳамада ўн беш кун ичида умумий йиғилиш муҳока-масига қайта тақдим этадилар.

Умумий йиғилишда маъқулланганидан сўнг тарафларнинг вакиллари уч кун ичида жамоа шартномасини имзолайдилар.

Gijohvandlik — asr vabosi

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Муҳиддин Раҳимов эса оғуни қишлоқдоши Мусурмон Раҳимовга пулини кейин бериш шартин билан 4 миллион 600 минг сўмга сотади. Нополқондан ўзини тия олмаган Мусурмон Раҳимов ҳам оғуга харидор излайди. Шу ниҳоятда у турмуш ўртоғи Гулбахор ва кайинсинглиси Гулноза Хусанова билан «Дамас»га ўтириб, харидорнинг олдиға жўнашади. Улар машинада 2191,98 грамм «опий» гиёҳвандлик воситасини 7 миллион 700 минг сўмга сотишаётган пайтда ички ишлар идораси ходимлари томонидан қўлга олинади.

Албатта, ҳеч бир ноқонуний қилмиш жаозасиз қолмайди. Шу маънода ўзлари билан туриб, гиёҳвандлик моддасидек тинч-тотув ҳаётни ташвишга айлантирадиган, иродали кишини оғиз кимсага эврилтирадиган оғуни сотишга аҳд қилган кимсаларга ҳам тегишли тартибда жаза тайинланди. Хусусан, жиноят ишлари бўйича Уругт тумани судининг шу йил 15 июндаги ҳукми билан судланувчи Гулноза Хусанова 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди, жазони умумий тартибли колония-



да ўташи белгиланди.

Буни қарангки, шунча қилмишни содир этганига қарамай, Г.Хусановага эътибор берилган жаза чорасидан норози бўлиб, суднинг юқори инстанциясига шикоят ёзади. Вилоят суди апелляция инстанциясининг ажри билан биринчи босқич судининг ҳукми ўзгартириш қолдирилади.

Шу билан ҳам тинчиманган судланувчининг шикоят жиноят ишлари бўйича вилоят судида назорат тартибда ўрганиб чиқилди. Шикоятда судланувчи муқаддам судланмаганлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пуншаймонлигини инобатга олиб, Жиноят кодексининг 72-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жаозасини шартли жазага алмаштиришни сўрайди. Аммо суд шикоятни қано-

атлантирмади. Сабаби, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «**Судлар томонидан жиноят учун жаза тайинлаш амалиёти тўғрисида**»ги қарорининг 26-бандида «озодликдан маҳрум қилиш жаза тарикасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилади» деб раҳбарий тушунтириш берилган. Қолаверса, биринчи босқич суди Г.Хусановага нисбатан жаза тайинлашда унинг содир этган жинояти, Жиноят кодексининг 15-моддаси 5-қисмига мувофиқ, ўта оғир жиноятлар туркумига киришини, у бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктирган ҳолда жиноятга қўл урганлигини ва гиёҳвандлик воситасининг миқдорини инобатга олган. Бу эса судланувчи Г.Хусановани жа-

миятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан туза-тиш имконияти мавжуд эмас, деб ҳулоса чиқаришга асос бўлган. Албатта, суд жаза миқдорини белгилашда жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳам инобатга олган. Жумладан, Г.Хусановага оид жиноят учун қонун санкциясида белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ жаза тайинлан-ди, адолатли ҳукм чиқарилган.

Суд залида айбига пушаймон бўлигани такрор-такрор айтаётган бу судланувчилар жиноят содир этишдан олдин қилмишларининг оқибати тўғрисида бир дақиқа ўйлаб кўришганда эди, нополқон қилмишга қўл урмаган бўлишарди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидламоқчимизки, инсоннинг ҳаловатда яшashi, оиласининг тинчлиги, барқарорлиги — барча-барчаси, аввало, тансиҳатликда. Зеро, саломатлик бор жойда иш унумли бўлади, рўзғорда барака, оилада тинчлик-товулик ҳукм суради. Бундай оилаларнинг эса, шак-шубҳасиз, жамиятга катта нафи тегади.

Ўткир МАМАДАЛИЕВ, жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг судьяси

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ХАМРОЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 030 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФАЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАҲАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Мухаммад АЛИ

Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЙОНОВА
Масардин ҲАСАНОВ
Юлчибой ТУРСУНБОВ
Шоюнус ҲОЗИЕВ
Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир

Алибек ЭРГАШЕВ
Саҳифаловчи Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.
Манзиллимиз: Тошкент шаҳри, А.Кодирий кўчаси, 1.
E-mail: kuch-adolat@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55
Буюртма: Г-1018. Қоғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нарҳда. Адади: 5404.
1 2 3 4 Топширилди: 22⁰⁰